

Бу Аллоҳ таолонинг яратганидир!



15:02 / 14.07.2020 2080

Электрон микроскопда олинган ушбу расмда сиз уч кунлик эмбрионни кўриб турибсиз. У саккизта хужайрадан иборат. Бу хужайра 100 триллионта хужайраларга бўлиниш қобилияти эга. Ушбу хужайрага бўлиниши, кўпайиши ва инсон шаклини ҳосил қилиши кераклигини ким ўргатган? Бу жараёндаги ғаройиб ҳодисалардан бири шуки, она хужайра биринчи бўлиб бўлинишни бошлайди. Бўлингanda тери, суяк, мия, кўз, юрак ва ҳоказо аъзоларнинг шаклланишига хизмат қиладиган турли хужайраларга бўлинади. Бу хужайраларга ўз ишини, вазифасини ва шу шаклда ривожланиши лозимлигини ким таълим берган?

Албатта, таълим берган Зот Буюк Холиқ бўлмиш Аллоҳ таолодир!

У Зот Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«У осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган, Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир» (Фурқон сураси, 2-оят)

Quran-m.com сайти маълумотларидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси